СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИДА УЧРАЙДИГАН ПЕДАГОГИК ИХТИЛОФЛАР, УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ Д.И.Муқумова – PhD, доцент, Р.Х.Файзуллаев – PhD, доцент, «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳан- дислари институт

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим ва бу масалани ечмасдан туриб, келажак авлод тарбияси тўғрисида гапиришимизнинг ўзи мутлақо номақбулдир»,- деб таъкидлайдилар. Бизга маълумки, ўқитувчилик касби улуғ, шарафли, ўта мураккаб, ўз ўрнида масъулиятли касблардан биридир [1, 2, 3]. Агар шифокор бир беморни даволашда адашса (билими, тажрибаси етмаса) у бир кишининг умрига зомин бўлади. Ўқитувчи эса, ўнлаб ва ундан ҳам кўплаб ўқувчига нотўғри билим тарбия бериши орқали жамият учун фойдаси тегмайдиган зарарли, хавфли инсонларни вояга етказиб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчилик касби мураккаб ва ўта масъулиятли касб бўлиб, унда тажриба билим, кўникма, малакалар шаклланган бўлиши зарур.

Full text